



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2024 йил 12 ноябрь, № 232 (8855) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Ўзбекистон Тинчлик ва Дипломатия Тарафдори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас masjid ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 11 ноябрь куни амалий ташриф билан Ар-Риёд шаҳрида бўлди.



Подшоҳ Халид номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Ар-Риёд вилояти раҳбарияти — шаҳзода Мухаммад бин Абдурахмон бин Абдулазиз ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

Сига бағишланган саммитни ташкил этгани учун Икки муқаддас masjid ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ҳамда Валиахд Мухаммад бин Салмон Ол Саудга алоҳида миннатдорлик билдирди.

раларини бошлаш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Хавфсизлик Кенгашининг доимий эътибор марказида туриши зарурлиги қайд этилди.

аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида беғараз даволашга тайёр эканини таъкидлади.

Умра зиёратларини адо этишларига яратилган шароитлар учун Саудия Арабистони раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

2,5 миллиард долларлик инвестициялари жалб этилиши кутилмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Араб-ислом Саммитидаги Нутқи

Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим! Хурматли раис жаноблари! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Глобал сиёсат кун тартибидеги энг ўткир ва оғриқли масала — Фаластин муаммосига бағишланган бугунги муҳим саммитимизни ташкил этганлари учун Икки муқаддас masjid ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Аъло Ҳазрати Олийларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

қамраб олгани барчамизни қаттиқ ларзага солмоқда.

Ўзбекистон Фаластин — Исроил муаммосини тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал этишга қаратилган барча амалий ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

ластин халқи ўз миллий байрами — Фаластин Давлати эълон қилинган куни нишонлайди.

шифохоналарида беғараз даволашга тайёрлигимизни билдираман.

Биз Фаластин халқига амалий ёрдам кўрсатиш масалаларини келгуси йили Самарқандда ўтадиган "Кўрфаз араб давлати — Марказий Осий" саммитида ҳам муҳокама қилиш ниятидამиз.

## Янги Ўзбекистоннинг Янги Касаба Уюшмалари

Ўзбекистон Касаба уюшмалари саройида 11 ноябрь — Ўзбекистон Касаба уюшмалари кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

кенг кўламли ва тизимли ислохотлар ҳамда янгиланишлар, уларнинг салмоқли натижалари алоҳида таъкидланди.

Хусусан, ўтган қисқа вақт ичида халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон нуфузини дунё миқёсида юқори поғонага кўтариш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилгани, ушбу ютуқлар жамиятимиз ҳаёти ва халқимиз турмушидаги ижобий ўзгаришларда намён бўлаётгани, қисқа айтаганда, янги Ўзбекистон фуқаролари янги дунёқараш ила ҳаёт кечираётгани қайд этилди.

## Бағрикенглик — Ҳамжиҳатлик ва Тотувлик Гарови

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан юртимизда "Бағрикенглик ҳафталиги" ўтказилмоқда.

турли миллатларга, маданиятларга ҳурмат билан ёндашиш ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувлик гарови.

Ҳамжиҳатлик ва тотувлик гарови, ушбу туйғу кишида билим, самимият, виждон ва эътиқод натижасида юзага келади.

Ҳафталик БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига кўра 1997 йилдан буён нишонлаб келинаётган Халқаро бағрикенглик кунига мамлакатимизда ҳам алоҳида ургу берилмаётгани беҳиз эмас.

қунига мамлакатимизда ҳам алоҳида ургу берилмаётгани беҳиз эмас. Бағрикенглик — ўзаро ҳурмат, бир-бирини англаш, тушуниш ва қабул қилиш, демак. Ер юзидеги

маънавий бурч бўлиб қолмай, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир.







# БИР КУНЛИК ТЎЙНИНГ МИНГ КУНЛИК МАШМАШАСИ



Куз фаслининг охирида қишлоқ аҳли ҳосилни йиғиштириб олиб, дала юмушларидан қўли бироз бўшагачи юртимизда тўйлар мавсуми бошланади. Тўй — йиллар давомида яхши ният, орзу-хавас билан орзиқиб кутиладиган, қавм-қариндошлар, ёр-дўстлар жам бўлиб ўтказиладиган тadbир. Элга дастурхон ёзиб, никоҳни, оилادا фарзанд дунёга келганлигини маълум қилиш миллий урф-одатларимиз сира-сига киради. Бундай тadbирлар азалдан маҳалла фаоллари, кўпни кўрган кексаларимиз бошчилигида ихчам тарзда, исрофгарчиликдан тийилган ҳолда ўтказилган. Ана шу таомил асосида фазил-и ўтган тўй ниҳоятда бадавстир, гўзал удумларимиз, мумтоз маънавий қадриятларимизнинг намоишига айланган.



минг карра фойдали бўларди! Назаримизда тўйларда хонандалар томонидан кўрсатиладиган маданий хизмат билан боғлиқ орқича чиқимлари ҳам ўйлаб кўриш фурсати етди. Бир "қўли узун" ўйлаб топган "бирров" деган одат бос қанчадан-қанча камхарж оилалар азият чекаётгани ҳам бор гап. Боз устига тўйхонада хонандаларнинг навбат талashi жанжаллашиб, бир-бирини боёрбў қилишини айтмай-сизми?!

## Таассуф

меҳнат фахрийси Бекпошша Хўжаева. — Аста-секин тўйларга таклиф этиладиган меҳмонлар сони яна 500 — 1000 кишига етди. Меҳмон-дўстлик яхши фазилат, бироқ уни дабдабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш каби иллатлар билан чал-эътирозларига сабаб бўлмоқда. — Коронавирус пандемияси даврида жорий қилинган чекловлар туфайли тўйларни анча ихчам, кам-чиқим қилиб ўтказиш урфга кира бошлаган эди, — дейди урганчлик

Хулоса шуки, халқимизнинг турмуш тарзи яхшиланиб борар экан, тўқликка шўхлик қабилида бундай бемаъни расм-русумлар илдириштига йўл қўймаслик керак. Миллий тараққиётимизга гов бўлиб келаётган иллатларга барҳам беришга Ватанини севадиган, миллат, оила келажагини ўйлайдиган ҳар бир фуқаро бефарқ бўлмаслиги керак.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

## Дил сўзи

# ХАЛҚИМИЗНИНГ БАХТЛИ ҲАЁТИ ВА КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР КАСБ

Мамлакатимизда Тиббиёт ходимлари кунги кенг нишонланди. Сана муносабати билан хойларда чин маънода байрам руҳи ҳукмрон бўлди, дилларда шодлик тўйғуси жўш урди. Айниқса, Президентимизнинг соҳа вакилларига йўллаган табриги бутун халқимиз, айниқса, шарафли касб соҳиблари қалбига катта акс садо берди.

**Марат КАДИРОВ, У. Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими шифокори, "Соғлом турмуш" медални соҳиб:**



— Шифокорлик — шарафга сазовор, шу билан бирга, инсон гарданига катта масъулият юклайдиган, машаққатли касб. Шунинг учун ҳам одамлар дардига дармон бўлиб, соғлом ҳаётга қайтишига сабабчи бўлаётган оқ либосдаги фидойиларга халқимиз ҳар доим ҳурмат-эҳтиром билан қарайди, эъзозлаб, бошига кўтаради.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонимиз эришаётган катта ютуқларда, инсон капиталини ривожлантиришда жонкуяр тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссасини эътироф этиб, уларга ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди, деган сўзлари қалбимизни тўлқинлантириб юборди. Шубҳасиз, кўрсатилаётган бундай гамхўрлик, рағбат ва эҳтиром юртимизда инсон кадри, меҳнати нақадар улғу эканининг яна бир исботидир.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шифокорларга меҳр-муҳаббати жуда юксак. Бу соҳа вакилларига қўлай шарт-шароитлар яратилаётгани, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани, Тиббиёт ходимлари кунининг кўтаринки руҳда байрам қилинаётгани мисолида яққол намоён бўлади. Ушбу шодиёна муносабати билан давлатимиз раҳбари йўллаган табрик қувончимизга-қувонч қўшди. Юртбошимизнинг табридаги "Тинчлик ва соғлиқ бўлган жойда албатта ўсиш ва ўзгариш, бахтли ва фаровон ҳаёт бўлади.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг "Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни муқофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан "Соғлом турмуш" медални билан тақдирландим. Бу эътироф элимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг соғлигини асраб-авайлаш йўлида ҳамisha хушёр, ўз ишимда собит бўлишга руҳлантирди.

**Эътибор НУРИДДИНОВА, Чилонзор тумани марказий кўп тармоқли оилавий поликлиника бўлим бошлиғи, шифокор-терапевт:**



— Юртимиз тобора кенг имкониятлар ўлкасига айланмоқда. Албатта, тиббиёт соҳасига қаратилган эътибор замирида халқимизни, жамиятнинг бош бўғини саналган оилаларни, келажагимиз эгаларини соғлом кўришдек эзгу мақсад мужассам. Бу мақсадга тўлақонли эришилмоқда, бунинг оилавий поликлиникалар фаолиятининг нақадар ривожланиётгани, мавжуд шарт-шароитлар яхшилаётганида ҳам кўриш мумкин.

янада масъулиятли бўлаемиз. Тиббиёт ходимлари кунги муносабати билан йўлланган табриқда ҳам Юртбошимизнинг "Тиббиётни янада халқчил соҳага айлантириш, одамларни ушбу тизимдан рози қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Шу соҳа вакили сифатида муассасамиздан фарзандининг дардига даво топиб, мамнун чиқиб кетаётган оналарнинг табассуми, жажжи болакайларни саломат кўриш мен учун катта бахт. Табиийки, навқирон авлод эгалари саломатлигини муҳофаза қилишда давлатимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳеч бир тиббиёт ходимини лоқайд, бефарқ қолдирмайди. Чунки бу миллионлаб оналару болаларнинг бахтли ҳаёти, келажаги билан боғлиқ беқиёс ва улғу иш.

Бу борадаги вазифарларни муваффақиятли адо этишда муқаддас қасамёдига содиқ сиз, заҳматқаш ва олийжаноб тиббиёт ходимлари ўзингизни аямасдан, бой билим, маҳорат ва тажрибангизни сафарбар этасиз, деб ишонаман", деган сўзларни бизга катта рағбат беради. Уни оқлаш кераклигини ҳис қилган тиббиёт ходимини эса бутуннинг қаҳрамони деган шарафли номга лойиқ бўлиши мумкин.

Президентимизнинг тиббиёт соҳаси ва ходимлари ҳақида ҳамisha қуон-чаклик билан гапириши, соҳа ривожини учун барча йўллари очиб беришга ҳозирлигини кўриб, руҳланиб кетамиз, ишимизга

Сирасини айтганда, инсон соғ-саломат бўлса, ўйлаган орзу-мақсадларига эриша олади. Зеро, жисмонан соғлом ва маънан етук инсонгина юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашга қодир. Бизнинг зиммамизда халқ саломатлигига камарбаста бўлишдек юксак вазифа турибди ва уни дилдан ҳис этиб, тўлиқ бажаришга ҳаракат қилаемиз.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Реклама

**ANNOUNCING**  
**Bharat Tex 2025**  
 Global Textile Expo  
 New Delhi | Feb 14-17  
 TEXTILES FASHION SUSTAINABILITY

# BHARAT TEX 2025

2025-yil 14 – 17-fevral kunlari Hindistonda "BHARAT TEX 2025" ko'rgazmasi bo'lib o'tadi.

"BHARAT TEX 2025" bu global tekstil sanoatining eng katta tadbiri bo'lib, 2025-yil 14 – 17-fevral kunlari Nyu-Dehlidagi Bharat Mandapam va Greater Noidadagi India Expo Centre va Martda bo'lib o'tadi. Bu tadbir Tashqi savdo va tekstil sanoatini rivojlantirish vazirligi hamkorligida Tekstil mahsulotlari eksportini rivojlantirish kengashi tomonidan tashkil etiladi.

Ushbu muhim savdo yarmarkasi va bilim platformasi 5 000 dan ortiq ko'rgazmachilar, 110 mamlakatdan 6 000 dan ortiq xalqaro xaridorlar va 120 000 dan ortiq tashrif buyuruvchilarni kutmoqda. Tashkilotlar to'liq mato qiymat zanjirini, jumladan, kiyim-kechak, uy jihozlari, texnik matolar va boshqalarni namoyish etadi.

O'zbekistondan har qanday qiziqish bildirgan tashkilotlar ko'rgazmachilar, xaridorlar, investorlar va sanoat delegatsiyalari ishtirok etishga taklif qilinadi. Batafsil ma'lumot uchun Anil Kumar, Tashqi savdo vazirligi direktori bilan bog'lanishingiz so'raladi:

Elektron pochta: ds-textiles@gov.in  
 Telefon raqam: +91 9340571398.

## Энергетика

### БУ ЕРДА ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ




ЕТТВ ва ЕИнинг Европа барқарор тараққиёт жамғармаси Франциянинг "Voltaia" компанияси томонидан Хоразм вилоятида 100 МВт қувватта эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун асос солинган "Sarimay Solar" компаниясига 54,6 млн. доллар маблағ ажратди.

Бу ҳақда Энергетика вазирлиги расмий телеграм каналда маълум қилинди. Унга кўра ЕТТВнинг 54,6 миллион долларлик молиялаштириш пакети-нинг 44,8 миллион доллар кредит, шунингдек, қурилиш босқичида "Sarimay Solar" компаниясини қўллаб-қувватлайдиган 9 миллион евролик махсус молиялаштириш дастуридан иборат бўлади. Лойиҳа ЕИнинг Европа барқарор тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилган 7 миллион долларлик кредитнинг биринчи траншини қоплаш кафолатини олади. Бу маблағлар ЕТТВ фаолият юри-таётган ЕИдан ташқари-даги мамлакатларда иқлим ўзгаришини юмшатиш технологияларини жорий қилишни тезлаштиришга мўлжалланган. Молиялаштириш "Sarimay Solar" компаниясига 100 МВт қувватта эга янги қуёш фотоэлектр станциясини қуриш ва фойдаланишга топширишга ёрдам беради, ўз навбатида, бу Ўзбекистоннинг 2030 йилгача 25 гигаваттгача қуёш ҳамда шамол энергиясини ишлаб чиқариш мақсадига хисса қўшади. Маълумот учун, бу "Voltaia" компаниясининг Ўзбекистонда танлов асосида голиб бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича биринчи лойиҳаси ҳисобланади. Станция ишга туширилгач у йилгача 220 млн. кВт/соатгача электр энергияси ишлаб чиқариши кутилмоқда.

## ИККИ МАҲАЛЛАНИ БОҒЛОВЧИ ЙЎЛ

Бирдамлик билан қилинган барча саъй-ҳаракат, албатта, ўз меvasини беради. "Ташаббусли бюджет"нинг 2024 йил биринчи мавсуми доирасида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида бир қатор ишлар амалга оширилди.

**Қулайлик**  
 Жумладан, яқинда ушбу ҳудуддаги Бойқўрғон маҳалласи Бойқўрғон қишлоғидан Нури келажак маҳалласи Галабулоқ қишлоғигача бўлган йўлнинг 2,5 км. қисмига асфальт ётқизилди. Айни шу таклиф 4704 та овоз билан голиб, деб топилган эди. Бугун мазкур лойиҳа



«Халқ сўзи».

Нукусда ўтказилган «Яшил келажак» умумреспублика марафони доирасида «Зиёлилар боғи» барпо этилди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Девоноҳона 71-259-74-51; қоғобият 71-259-74-53;  
 эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобвор.

Гезета тахририят марказида терлид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Гезетанинг полиграфик ҳақидан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100066,  
 Тошкент шаҳри,  
 Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.  
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
 Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
 Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.00 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6